• *Ислоҳот одимлари*

# САМАРҚАНД УСЛУБИ

(Учинчи мақола)

***Ҳамма жойда бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам узоқ йиллар давомида пахта яккаҳокимлиги ҳукм суриб келди. Ҳозир эса бу ерда қарийб 100 минг гектарга чигит экилиб, 250 минг тоннага яқин пахта етиштирилмоқда. Сабаби — вилоятда ғалла майдонлари пахтага нисбатан икки баравар ошди. 1995 йилда суғориладиган майдонларда қарийб 100 минг, лалмикор ерларда эса салкам 120 минг гектарга дон экилди. Таҳлилий хомчўтга кўра, агар ушбу майдонлардан ярим миллион тонна ҳосил олинса, вилоятнинг ғаллага бўлган эҳтиёжи тўла қопланади. Бу — масаланинг бир томони.***

## ЭНДИ ХАРИДОР УЧУН КУРАШИШ КЕРАК

Иккинчидан, ғалла майдонларининг кенгайтирилиши туфайли кейинги икки-уч йил мобайнида вилоятда моллар бош сонини 4-5 баравар кўпайтириш имкони яратилди. Бунда биз, асосан, хусусий сектордаги молларни назарда тутмоқдамиз. Самарқанд бозорларида гўшт нархининг мўътадиллиги ана шунинг самарасидир.

Учинчидан, ғалладан бўшаган майдонларда сабзавот ва озуқа экинлари етиштириш ривожланмоқда. Тойлоқ, Жомбой туманларида бу борада ажойиб тажриба тўпланди.

Сабзавотчиликнинг равнақи эса ўз-ўзидан қайта ишлаш саноатини тараққий эттириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бугун Самарқанд заводларида ишлаб чиқарилаётган вино, шарбат, тузланган ҳамда қуритилган сабзавоту мевалар, томат пастасининг асосий қисми экспорт қилинаётир.

Қандолатчилик, пазандачилик, мисгарлик, чармгарлик, тунукасозлик, кулолчилик, бешикчилик, сандиқсозлик, маҳсидўзликдан тортиб каштачилик, чопондўзлик сингари юзлаб касб-ҳунарлар авж олиб кетди. Эҳтимол, атом ва ядро асрида бу билан фахрланиш кимгадир эриш туюлар. Лекин Япония, Америка, Англия сингари юксак даражада ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилувчи ўша замонавий асбоб-ускуналар ҳам мана шундай косибу усталар (юксак малакали ва аъло маҳоратли) томонидан ясалишини эсласак ва «Зар қадрини заргар билур» деган шарқона наклимизни хотирга келтирсак, мустақил Ўзбекистон давлати саноати янги замон технологиялари ҳамда миллий ҳунармандчилигимиз уйғунлиги асосида ривожланиши зарурлигига имон келтирамиз.

Сир эмаски, яқин-яқингача бозору дўконларимизда хориждаги айрим ҳаваскор ширкатлар томонидан тайёрланган усти ялтироқ ва ичи қалтироқ, сифатсиз моллар билан тўла эди. Ҳозир тижоратчилар ҳам, харидорлар ҳам анча пухта бўлиб қолишди. Чунки ўзимизнинг маҳсулотлар хомашё жиҳатдан табиий пишиқ, аммо сифати чатоқ. Бунинг илдизи эса технология ва маҳоратга тақалади.



Шу нуқтаи назардан ҳозир Самарқанддаги саноат корхоналарининг аксарияти тараққий этган мамлакатлардан шериклар топиб, ҳамкорликда ишламоқдалар. Шу асосда «Сино» совутгичлар заводида «Форсин», лифтсозлик заводида «Шарқлифт» қўшма корхоналари пайдо бўлди. Самарқанд ва Ургут тамаки ферментлаш корхоналари жаҳонга машҳур БАТ (Британия-Америка тамаки корпорацияси) фирмаси билан бирлашдилар. Яқин орада бу ерда «Пел Мел», «Лаки страйк» сингари оламга машҳур аъло навли сигаретлар чиқарила бошлайди. «Гелион», «Кинап» заводлари эса россиялик шериклар билан қайтадан мустаҳкам алоқа ўрнатиб олишди. Натижада «Гелион» кичик экранли телевизорлар чиқармоқда. «Кинап» маҳсулотига эса хорижда ҳам талабгорлар кўп.

Албатта, саноатда барча ишлар жойида, дейиш нохолислик бўлур эди. Ишлаб чиқаришни сурункали пасайтириб, давлат мададига кўз тикиб ўтирган корхоналар ҳам Самарқандда кўплаб топилади. «Красний двигатель», «Пахтамаш», «8-Март» сингари завод ва фабрикаларнинг аввалги шуҳратидан асар ҳам қолган эмас. Гап шундаки, энди аввалгидан бошқачароқ ишлаш керак, энди маҳсулот сифати учун, бозорни эгаллаш, харидорни жалб қилиш учун курашиш керак. Эрта-индин бундай корхоналар «Банкротлик ҳақида»ги қонун асосида синган, деб эълон қилинса, ҳеч ким ажабланмайди. Бозор иқтисодиёти қонунлари қаттиқ ва шафқатсиздир.

Ишлаб чиқариш ва тижорат ҳақида фикр юритилар экан, гап муқаррар равишда хусусийлаштиришга бориб тақалади. Зеро бу бозор иқтисодига ўтишнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Самарқандда 1994 йилнинг ёзида кимошди савдоси ўтказилган бўлиб, унда битта меҳмонхона 75 миллиард сўм-кўпонга сотилганди. Умуман, ўша савдодан тушган маблағ республика бўйича энг юқори кўрсаткични ташкил этганди. Эндиликда ҳар ойда ким ошди савдоси ташкил этилмоқда. Барча туман марказларида ўнлаб савдо ҳамда маиший хизмат иншоотлари, ер участкалари, автомобиллар ва бошқа анжому ускуналар сотилаяпти. Тушган маблағ эса кичик ҳамда ўрта бизнесни ривожлантиришга, қурилиш, ободончилик ишларига йўналтирилмоқда. Сирасини айтганда, вилоятда хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг биринчи босқичи ниҳоясига етмоқда.

Дарвоқе, ишбилармонлигу тадбиркорлик, хусусий мулк ҳақида гап кетганда, самарқандликлар «Лидер» фирмаси президенти Хуршид Раупов, «Супер Ориён» фирмаси раҳбари Файзулло Зиёев, кўп тармоқли «Сайёр» фирмаси эгаси Шавкат Иброҳимов, «Тоҳирий» фирмаси раиси Толиб Исматуллаев сингари юзлаб кишиларни тилга оладилар. Булар шунчаки дўкон-фирмалар эмас. Масалан, «Сайёр» фирмаси шаҳар четида одамлар учун кўп қаватли уйлар, коттежлар қурмоқда, «Тоҳирий» мебель чиқараяпти. Самарқанд туманидаги «Парвина» фирмаси аъло навли пишлоқ пиширмоқда. Каттақўрғонда колбаса, Пахтачида оҳак ва гил, Иштихонда пахта ёғи, Ургут ва Кўшработда мармар ишлаб чиқарувчи ўнлаб фирмалар бор. «Лидер»да автомобиль шиналари тайёрланмоқда. Умуман, хусусий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рўйхатига назар солсангиз, унда полиэтилен, плёнкаю шишадан тортиб, кислороду карбидгача борлигини кўрасиз. Хўш, ана шунинг ўзи бозор иқтисоди ҳаётимизга шиддат билан кириб келгани ва муҳими — одамлардаги ғайрату ташаббускорликни жўштириб юборганига оддий мисол эмасми?

Такрор айтамизки, Самарқандда иқтисодий ислоҳот жараёнида эришилган натижаларга маҳлиё бўлиш, хотиржамлик кайфиятидан асар ҳам йўқ. Вилоят ҳокимлигининг ҳар ойда 2-3 марта бўладиган мажлиси қаттиқ талабчанлик, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи остида ўтади. Гоҳо қилинмай қолган оддий бир иш учун муайян раҳбарни ишдан олишгача бўлган чоралар кўрилади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бугун даврнинг ўзи шуни тақозо қилмоқда.

Вилоятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро аҳиллик ва осойишта вазият ҳукмрон. Кам таъминланган оилаларга, талабалару фахрийларга моддий ва маънавий мадад бериш бир дақиқа ҳам унутилган эмас.

Бир мисол. Наврўз кунларида Самарқанд шаҳри ҳамда вилоятнинг деярли барча туманларидаги ҳар бир хўжаликда, ҳар бир жамоада, ҳар бир маҳаллада дошқозонлар осилиб, ҳалиса, сумалак, ош пиширилди. Бунда асосий харажатни давлат билан биргаликда хусусий фирмалар, тадбиркорлар кўтардилар. Шунингдек, қатор хусусий корхоналар болалар уйларини, мактаб ва боғчаларни, шифохоналарни ўз ҳомийликларига олганлар. Умуман, давлат корхоналари ва хусусий тизилмалар ўзаро ҳамкорлик ва беғараз, самимий рақобат асосида ишламоқдалар. Бундан эса истеъмол бозори наф кўрмоқда. Мана, масалан, вилоятда дори-дармон таъминоти билан шуғулланувчи «Дори-дармон» давлат ҳиссадорлик жамияти ва «Доун компани» ширкатига қарашли «Асклепий» фирмаси мавжуд. Бу корхоналарнинг мусобақа асосида ишлаши натижасида вилоятдаги дорихоналарда 400-500 хил дори муҳайё этилди. Газеталарнинг деярли ҳар бир сонида муайян хилдаги дорилар нархлари арзонлаштирилганлиги ҳақида эълонлар чоп этилмоқда.

«Асклепий» фирмаси кечаю кундуз танаффуссиз ишлайди. Қўнғироқ қилсангиз бас, исталган дорини шаҳарнинг исталган жойига етказиб беради. Бундай аъло хизмат бир вақтлар дорини яшириб сотишга ўрганган «корчалонлар»ни касод қилиб, давлат дорихоналарини янгича ишлашга мажбур этмоқда.

Хуллас, ишбилармонлик ва тадбиркорлик борасида ҳам Самарқандда ўзига хос услуб шаклланмоқда. Бунинг самараси ўлароқ барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар рўй бераётир. Энг муҳими — самарқандликлар мустақил давлатимиз бозор иқтисодига ўтишда танлаган йўл ягона тўғри йўл эканлигига дилдан ишониб, буни амалда исботламоқдалар.

**Анвар ЖЎРАБОЕВ,**
**Ҳабиб ТЕМИРОВ.**

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ТАЪТИЛИГА

***Ўта муҳим ишлар бўйича терговчи, марҳум журналист Владислав Листьевга уюштирилган суиқасд бўйича тергов ишларини олиб бораётган Борис Уваров мажбурий меҳнат таътилига жўнатилди.***

Айрим фикрларга кўра, Борис Уваровнинг меҳнат таътилига чиқарилиши уни тергов ишларидан четлаштирилганини билдиради.

Аввал ҳам Борис Уваровнинг тергов гуруҳи депутат Андрей Айдзердзисга қилинган суиқасд устидан қидирув ишлари олиб бориб, энди калаванинг учини топганда меҳнат таътилига жўнатилган эди.

### НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛАДИ

***Қирғизистон ҳукумати республикадан олиб кетилаётган рангли ва қора металл устидан назоратни кучайтиришга қарор қилди.***

Ушбу қарорга кўра, маҳаллий ҳокимият уч ой ичида рангли ва қора металл операциясини тартибга солиш ҳақидаги қонун лойиҳасини ҳукуматга тақдим қилиши керак.

Бугун мамлакатда фаолият кўрсатаётган кўплаб қўшма корхоналар республика бойлиги бўлмиш металлни хорижга сотиш билан оворадир. Мутахассисларнинг айтишича, улар фақат Россиядан келтирилган металлни Қирғизистон орқали Хитойга сотиш натижасида 20 миллион доллар фойда кўрган.

### 200 МИНГ ТУП КЎКНОРИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

***Тожикистонда «Кўкнори-95» номли гиёҳвандликка қарши кенг кўламли кураш ўтказилмоқда.***

Яқинда Панжакент тумани ҳуқуқ посбонлари маҳаллий фуқаронинг ҳовлисида парвариш қилинаётган 2 минг туп кўкнори кўчатини топдилар. Тожикистон Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабарига кўра, тадбир бошлангандан буён шу кунгача 200 минг туп кўкнори кўчати йўқ қилинган.

### ВАБОНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҚИЙИН КЕЧМОҚДА

***Украинанинг Неколаев шаҳрида тарқалган вабо касаллигининг олдини олиш ҳамон қийин бўлмоқда.***

Республика саломатлик марказининг хабар беришича, шу кеча-кундузда яна 11 киши касалхонага ётқизилди. Беморларнинг умумий сони 43 нафарга етди. Касалланганларнинг барчаси огоҳлантирилганига қарамай, жанубий Буг дарёсида чўмилган ёки мазкур дарё балиғини истеъмол қилган.

Маҳаллий ҳокимият вазиятни ўз назорати остига олди.

### ШАРТНОМА МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШГА ҚАРШИ

***Шимолий Корея Республикаси ядро қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома муддатини узайтиришга қаршидир, деб баёнот берди мазкур мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги.***

Чунки, мазкур қуролга эга давлатлар ўз ядровий аслаҳаларининг тўлиқ йўқ қилиниши муддати борасида ҳеч қандай мажбурият олмаяптилар, дейилади баёнотда.

### ҚОНЛИ ТЎҚНАШУВЛАР

***Шри-Ланканинг ҳукумат қўшинлари билан мамлакатда ўзининг мустақил давлатини тузишга уринаётган «Тамил илама» — «Озодлик йўлбарслари» гуруҳи ўртасида ҳамон қонли тўқнашувлар юз бермоқда.***

Яқинда мазкур гуруҳ жангарилари мамлакат шарқида жойлашган ҳарбий базага ҳужум қилди. Натижада, ҳукумат ҳавфсизлик кучларининг 15 нафарга яқин аскари ҳалок бўлди.

## БИР БОЗОР БЎЛСИНКИ...

***Шу кунларда Бахмал туманининг маркази Ўсматда шарқона услубдаги янги замонавий бозор қад ростлай бошлади. Бундан туман аҳолисининг қувончи чексиз, айниқса, бахмаллик деҳқонларни айтмайсизми? Улар шу кунгача томорқасида етиштирган маҳсулотларини сотиша олмай роса қийналишарди.***

Янги бозорнинг бир қисми фойдаланишга топширилгач, бу каби қийинчиликларга барҳам берилди. Бозор директори Бахтиёр Омоновнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, айниқса, беқиёсдир.

— Бозор қурилишини бошлашдан аввал Оқтепа, Жомбой, Ургут бозорларини бориб кўрдик, — дейди Бахтиёр ака. — Уларнинг қандай йўсинда қурилганлиги, деҳқонлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдик. Сўнг биз ҳам туманда юқоридаги бозорлардан қолишмайдиган бозор, шунингдек, оталар чойхонаси, сомсахона, тижорат дўконлари, темирчилик-дурадгорчилик устахоналари қурилишини бошлаб юбордик.

Яқинда унинг бир қисми фойдаланишга топширилди. Айни пайтда у ерда савдо-сотиқ ишлари авжида.

**Файзулла БОБО ДЎСТ,**
**«Ҳалқ сўзи» мухбири.**

• *Маънавият муаммолари*

## АМАЛИЙ ТАРБИЯНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЖАМИЯТИМИЗДА СОҒЛОМ МУҲИТНИ САҚЛАШ БИЛАН БАРОБАР

Давр халқимиз дунёқарашини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилишни қатъий талаб қилаяпти. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир.

«Шундай экан, — деб таъкидлади Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида, — миллий мафкурани онгимизга сингдирувчи амалий тарбияни йўлга қўйиш жамиятимизда соғлом муҳитни сақлаш билан баробар эканини англашимиз даркор».

Дарҳақиқат, ҳар қандай жамиятнинг ўз мафкураси бўлади. У маънавиятга асосланади. Миллий истиқлол мафкураси эса халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, тили, дини, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр, оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

Халқимиз азалдан ўз маънавий қадриятлари ва диний эътиқодини юксак қадрлаб келган. Ҳатто у ягона мафкуранинг яккаҳокимлиги миллий урф-одат ва анъаналар, мусулмонлик тартиб ва талабларига аёвсиз кураш олиб борилган йилларда ҳам ўз миллий хусусиятини йўқотмади.

Гарчанд бундай босқинчилик ва зўравонликлардан миллийлик жуда катта зарар кўрган бўлса-да, лекин муқаддас урф-одат ва анъаналар мавжуд ғоя ва динларга боғлиқ равишда ривожланиб борган. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичларида халқнинг маънавияти, миллий хусусиятлари ва онгининг шаклланишига таъсир кўрсатган муҳим омиллар бўлган. Улардан бири дин, диний қарашлар, унинг тартиб-қоидалари бўлиб, бариси халқнинг ахлоқий сифатлари ҳамда маданиятининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган.

Модомики, шундай экан, динга маълум гуруҳдаги кишиларнинг хоҳиш-истаги, дунёқарашини ифодаловчи эътиқод ёки тушунча сифатида эмас, балки ўз-ўзини ҳамда атроф-оламни билиш йўлидаги бир услуб тарзида қараш лозим. Шунингдек, дин тириклик, бахт, эзгулик, ёвузлик ва ўлим ҳақидаги абадий саволларга жавоб топишнинг ҳам воситасидир. Шу боис у биздан диққат-эътибор билан ўрганишни, ҳурмат билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, асрлар давомида дин одамларни энг улуғ мақсадлар йўлида бирлашишга, ҳамжиҳат бўлишга ундаган. Халқимиз турмушида, ҳаётида катта ўрин тутган. «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл» деган ҳикматнинг яшовчанлигида ҳам айнан диний ахлоқ ва одобнинг хизмати бор. Демак, дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан. Бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз лозим.




Истиқлол шарофати туфайли миллий урф-одатларимизнинг ҳаётдан тобора мустаҳкам ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Наврўзнинг умумхалқ байрами сифатида қайтадан тикланган, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини кенг нишонлаш йўлга қўйилганлиги ана шулар жумласидандир.

Мазкур удумлар халқимиз учун қанчалик зарур ва ноёб қадрият эканлигини тан олиш билан бирга, унинг тарбиявий аҳамиятига жиддий эътибор қаратмоғимиз лозим. Чунки, бу қадриятлар халқимиз миллий онгининг ўсиши, маънавий баркамолликка эришиш ҳамда ўзлигини англашига ёрдам беради.

Миллий онг уйғонишининг маънавий асослари ҳақида гапирганимизда, энг аввало, унинг ота-боболаримиз турмуши, анъаналари билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олишимиз лозим. Чунки, юқорида айтганимиздек, ягона мафкуранинг яккаҳокимлиги даврида ҳам халқимизнинг кўпчилик қисми ота-боболари удумига содиқ қолиб, кундалик турмуш тарзларида миллий урф-одат ва маросимларни канда қилмадилар.

Бизнингча бунинг қуйидагича сабаблари бор. Биринчидан, ҳар қандай миллатнинг миллат сифатида шаклланиши узоқ даврни ўз ичига олади: у миллий хусусиятларни асрлар оша сингдириши орқали ўз миллий онгини шакллантиради. Иккинчидан, ҳар қандай шароитда ҳам ўз миллий хусусиятини сақлаш эҳтиёжи ҳар бир миллатга хос хусусиятдир. Учинчидан, миллий урф-одат, анъана, маросим ва диний қарашлар авлоддан-авлодга ўтиб боради. Бунда, албатта, оила ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Оила жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ғоявий ҳамда ахлоқий тартиб ва қоидаларни ўзида акс эттирибгина қолмай, балки уни ёш авлоднинг хулқ-атвори, кейинчалик онгига сингдиришга ҳам хизмат қилади. Тарихан шаклланган қадриятларимиз шу тариқа авлоддан-авлодга ўтиб, узоқ вақт сақланиб қолади. Херман Вомбери ўз хотираларида: «Марказий Осиё халқлари урф-одатларининг юксак даражада мақтовга сазовор бўладиган томонлари шуки, улар ўз миллий характерига эга бўлган ажойиб фазилатларини қатъият билан сақлайдилар», — деб бежиз ёзмаган эди.

Бу ҳол Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқининг энг эзгу урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, байрам, тўй-томошалари, фарзандларининг соғлом, меҳнатсевар, билимли, ҳунар эгаси бўлиб ўсишини ният қилиб ўтказадиган маросимларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Мазкур қадрият бизнинг ўлкамизда дин билан чамбарчас боғланиб кетганлиги характерли ҳолдир.

Истиқлол даврида яратилажак янги маданият манбаи халқ, унинг меҳнати, барқарор ахлоқий сифатларидир. Шу боис бугунги кунда шахснинг ахлоқий жиҳатдан ривожланиши энг долзарб муаммолардан бирига айланди. Жамиятдаги ахлоқий соғломлик эса кўп жиҳатдан бизнинг нималарни ташвиқот-тарғибот қилишимизга, фан ва маданият, адабиёт ва санъат ҳамда бу борада эришган ютуқ ва камчиликларимизга боғлиқ. Ҳар бир киши, айниқса, раҳбарнинг сўзи билан иши бир бўлиши керак. Акс ҳолда ахлоқий тарбияга жиддий путур етади.

Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ — бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши лозим. Шундай одамгина Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Шукрки, республикамизда истиқлол туфайли Ислом қадриятлари қайтадан тикланмоқда. Зеро, маънавий тарбияда унинг ўрни беқиёсдир. Чунки Ислом инсоният маънавий маданиятининг бир қисми бўлиб, унда дунёвий ғоя, билим, инсоний тафаккур дурдоналари мужассам. Исмоил Бухорий, ат-Термизий ва бошқа муҳаддислар тўплаган, шарҳлаган, илм олиш, одоб, ҳалоллик, раҳм-шафқатли, меҳр-оқибатли ва адолатли бўлишга даъват этган Ҳадислардаги инсонпарварлик ғоялари халқимиз миллий онгининг ўсишида муҳим тарбиявий роль ўйнамоқда. «Илм эгаллаш инсоннинг зийнати, ҳар бир мўмин киши учун ҳам фарз, ҳам қарз», «Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир», «Илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик, гўёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир» каби кўплаб ҳадислар ана шулар жумласидандир. Ислом динидаги ахлоқ ва ҳуқуқ-одобга оид қоидалар асрлар давомида ёш авлодни аждодларимиз анъаналари руҳида тарбиялашга ёрдам бериб келган. Модомики, шундай экан, биз Ислом динида мавжуд бўлган умуминсоний ва миллий қадриятларни халқнинг мулкига айлантиришимиз ва ундан ёшларни тарбиялашда имкон борича фойдаланишимиз зарур.

Биз яқинда мустақиллик шароитида маҳаллий халқимизнинг миллий ўзликни англаш жараёнига қизиқиш даражасини билиш мақсадида республикамизнинг бир қатор вилоят ва туманларида социологик тадқиқот ўтказдик. У қуйидаги натижаларни берди. «Мустақилликнинг миллат ривожига таъсири борми? Агар бор бўлса, у нимада содир бўлади?» деган саволга 87,2 фоиз киши «Миллий онгнинг ўсиши ва она-Ватанга меҳр-муҳаббатида» деб, 89,5 фоиз киши «Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонч руҳининг ортиб боришида», 75,5 фоиз киши «Тарихий хотиранинг тикланиши ва маданий мерос ривожида», 80,4 фоиз киши «Миллий ва диний қадриятларнинг тикланишида» ва 91,2 фоиз киши «Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши ва миллатнинг ўзлигини англашининг ўсишида» деб жавоб берди. «Миллий ўзликни англашда маданий мероснинг аҳамиятига қандай қарайсиз?» деган саволга 86,1 фоиз киши «Уни маданий мероссиз тасаввур қилиш қийин», «Маданий меросни Исломсиз тасаввур қиласизми?» деган саволга сўралганларнинг аксарият қисми «йўқ» деб жавоб қайтарди. Суҳбатдошларимизнинг бир қисми эса ўтмиш маданий меросимиздан узилиб қолганлигини, баъзилари қадриятларимиз ҳамда аллома олимларимиз фаолиятидан бехабар эканлигини қайд қилдилар. Улар «Мустақиллик бу камчиликларга тўла барҳам беради», деб умид билдирдилар. Бу далиллар халқимизда миллий онгнинг ўсиши ҳамда ўзликни англашга қизиқиши кучаяётганлигидан далолат беради.

Ана шуларни назарда тутиб, халқ маънавий маданияти, урф-одат ва қадриятларини тиклаш миллий ўзликни англаш йўлидаги энг муҳим омиллардан биридир, деб бемалол айтиш мумкин.

**Иброҳим ХЎЖАМУРОДОВ,**
**фалсафа фанлари доктори.**

• *Долзарб мавзу*

***ИЗОҲНИНГ ҳожати йўқ — қишлоқ хўжалиги элни, томорқа оилани боқади. Тарихдан маълумки, ери бор деҳқон ҳеч қачон хор бўлмаган, тўқ, бадавлат яшаган, қиш дастурхонидан қуруқ мева аримаган, уйида қоп-қоп дон-дун заҳираси бўлган.***

***Хўш, деҳқон томорқасидаги бугунги аҳвол қандай? Республика Президентининг Фармони билан қишлоқ аҳолисига томорқа учун ажратиб берилган юз мингаlб гектар ернинг умри бекор ўтмаяптими? Томорқалардан чиқаётган маҳсулотлар деҳқон бозорини тўкин-сочин ва арзон қилиши учун аҳоли ҳамма имкониятларга эгами?***

***Мухбиримиз Фарғона давлат университети ўқитувчиси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори О. ИБРОҲИМОВ билан шу долзарб мавзуда суҳбатлашди.***




**деҳқоннинг рўзғори, янада бут, ҳатто, қишда ҳам дастурхони ёнғоқ, жийда, туршак, турли мева қоқилари билан тўкинроқ бўлади.**

**— Одилжон Олимжонович, ҳозир қишлоқларда томорқаси кенгаймаган оила қолмади десак янглишмаймиз. Аммо бир хонадоннинг томорқасига назар ташласангиз кўзингиз қувонади, иккинчисиники эса эгаси йўқдек...**

— Бунинг сабабини изоҳлаш учун яқин ўтмишимизга бир назар ташлашга тўғри келади.

Афсуски, етмиш йилдан кўпроқ давом этган шўролар даврида ер-сувдан тортиб, то қазилма бойликларгача халқ мулкига айлантирилиб, мустабид тузум тасарруфида бўлди, бошқарув ва тақсимотнинг жамоа русумига ўтилди. Шу тариқа меҳнатга деҳқон билан танбалу дангасалар ҳам тенг ҳақ олди.

Пахта майдонларини камайтирмаслик мақсадида қишлоқ аҳолисига томорқа ва ҳатто, уй-жой қуриб олиш учун 30 йил давомида ер майдони берилмади. Ҳайриятки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ аҳолисига уй-жой қуриш ва шаҳсий томорқаларини кенгайтириш учун ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги Фармонидан сўнг бундай нотўғри чеклашларга барҳам берилди. Кейинги уч йил ичида икки миллиондан зиёд қишлоқ аҳолисига ер майдонлари ажратилди. Деҳқонларнинг бунгача мавжуд бўлган 220 минг гектар томорқа ерлари бугунги кунда 800 минг гектардан ошди. Аҳолига шахсий мулк сифатида томорқа ери бериш ҳамон давом этмоқда.

**—Аслида, юртбошимизнинг аҳоли томорқасини кенгайтириш тўғрисидаги фармонидан кутилган мақсад қишлоқ хўжалигида давом этаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнини жадаллаштириш эди. Бу амалда сезилаяптими?**

— Сезилмаслиги мумкин эмас. Зеро, республика аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқда яшайди. Демак, шунча томорқа бор. Бевосита рақамларга мурожаат қилсак, ҳозир аҳоли истеъмол қилаётган сутнинг тўртдан уч қисмини, гўштнинг салкам 60 фоизини, картошканинг 40 фоизини, сабзавотнинг тенг ярмини қишлоқ хўжалигининг хусусий тармоғи яъни томорқачи етказиб бераяпти. Агар умумий маҳсулот ҳажмидан пахтани чиқариб ташласак, республикада озиқ-овқатнинг 40 фоизи шахсий томоқаларда етиштирилмоқда, дейиш мумкин.

Буни бошқачароқ қилиб тушинтирадиган бўлсак, жами деҳқончилик маҳсулотларининг 25 фоизи томорқачилар ихтиёридаги бор-йўғи 5 фоиз экин майдонида етиштирилаяпти, қолган 75 фоизи эса жамоаларга тегишли 95 фоиз ердан олинмоқда. Кўриниб турибдики, жамоа секторида ҳар гектар ердан олинаётган маҳсулот томорқачиларникига нисбатан 7-8 баравар кам. Жамоа хўжаликларида сабзавот ҳосилдорлиги республика бўйича 100—110 центнер, Хоразмда 150, Фарғона водийси вилоятларида 160—200 центнер бўлса, тажрибали деҳқонлар шунча ҳосилни 10 сотих томорқадан ҳеч қийналмай олишаяпти.

**— Гап қуруқ бўлиб қолмаслиги учун шу ўринда мисоллар келтира олмайсизми?**

— Бир эмас, ўнлаб мисол келтирш мумкин. Олтиариқ туманида Янгиқўрғон қишлоғи бор. Аҳолиси томорқасидан бир йилда камида уч марта ҳосил олади. Тўрт ҳосил оладиган хонадонлар ҳам оз эмас. Бошқаларга ибрат бўлиши, улар ҳам шунга эришишлари учун бу тажрибани тўла шарҳласак.

БИРИНЧИ ҲОСИЛ: 10 сотих ерга ҳайдаш олдидан 15-20 тонна гўнг солинади. Эрта баҳорда пушта кенглигини 2 метр қилиб жўяк олинади. 5-20 март оралиғида 3000 туп атрофида бодринг кўчати ўтқазилиб, плёнка ёпилади. Яхши парвариш қилинса, 25 апрель билан 5 май оралиғида ҳосил етилади. Икки кунда бир марта, жами 18-22 марта терилади. Бир теримда 300-350 кило, жами 6-7 тонна бодринг олинади.

ИККИНЧИ ҲОСИЛ: бодринг пуштаси ва жўякларига кечи билан 1-5 май оралиғида маккажўхори экилади. Макка дони августнинг бошларида пишиб етилади. 10 сотих ердан 350—400 кило дон ва мол-хол учун 4 тоннадан зиёд поя олинади.

УЧИНЧИ ҲОСИЛ: 8-12 август орасида ер маккажўхоридан бўшайди. Ҳайдаб (чопиб), 90 сантиметр кенгликда жўяклар олинади. Суғориб, 16 августгача орасини 20 сантиметр қилиб турп уруғи аниқ уялаб экилади. Ҳар уяда 3-4 та кўчат қолдирилади. Ҳосил 85-90 кунда етилади. Ноябрь ойининг иккинчи ярмигача турп йиғиштириб олинади. Жами ҳосил кам деганда 5-6 тонна бўлади.

ТЎРТИНЧИ ҲОСИЛ: турп экиш пайтида пуштага кенглигини 80 сантиметр қилиб ичак қатор сепилган сабзи уруғи ҳам тез-тез суғориб, пушта доимий нам бўлгани учун қийғос ундириб олинади. У ҳам турп билан бир вақтда пишиб етилади ва ўртача 1500-2000 кило сабзи олинади.

Ана энди 10 сотих томорқасида шу тартибда меҳнат қилган деҳқоннинг пировардида (жами) қанча даромад олганини ҳар ким ўзи ҳисоблаб чиқараверсин.

**— Лекин айнан сиз айтган экин турларини экишга ҳаммада ҳам рағбат ёки имкон бўлавермайди. Қолаверса, ҳамма бир хил экин экиб, бозорга олиб чиқмайди-ку, ахир...**

— Шунинг учун ҳали «кўплаб мисол келтириш мумкин» дедик-да. Чунончи, Олтиариқ туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида Узумчи маҳалласи бор. Исми жисмига мос — аҳолиси узумчилик билан шуғилланади. Ҳар бир оила 10 сотих томорқасидаги ишкомлардан 6-7 тонна ҳосил олиб, қиш бўйи, айримлари эса баҳорнинг ўрталаригача сақлаб, бозорга чиқаради. Ишкомларнинг остида эса ўзига етиб-ортадиган даражада сабзавот ҳам етиштиради. Таққослаш учун айтиш керакки, жамоа хўжалигида бир гектар токзордан олинадиган узум 65-70 центнердан ошмайди.

Риштон туманидаги Қайрағоч маҳалласи аҳолиси ўзига тўқ яшайди. Чунки, томорқасида қаттиқ ишлаб, 3-4 марта — бодринг, булғор қалампири, чорва учун дон ва хашак, сабзи ҳосили олади. Бундан ташқари анор, анжир, гилос, олма, хурмо каби меваларни ўзларидан орттириб, бозорга олиб чиқишади.

Хуллас, томорқа еридан ишнинг кўзини билиб фойдаланиб, йил-ўн икки ой ебичганидан ташқари 25-30 минг сўм даромад олаётган кўп оилаларни биламан. Дунёга донғи кетган Риштон, Миндон, Рапқон қантак ўриклари уста томорқачиларнинг борлиги туфайли сақланиб қолган. Кўзни қувонтирадиган нашвати нок, рангоранг олма, гилос, қаҳратон қишда ҳам сархил памидор, бодринг, лимон, ошкўкат ва турли зираворларни ҳам фақат томорқачилар етказиб беришяпти.

**— Демак, томорқачилик рисоладагидек йўлга қўйилса, қишлоқ жойлардаги нафақат иқтисодий, балки бир қатор ижтимоий муаммолар ҳам ечимини топиши мумкин экан-да?**

— Албатта, Томорқачи ўзининг ерига, ҳар туп дарахтига «меники» деб қарайди. Иложи борича юқори ҳосил олишга интилиб, навларнинг сарасини танлайди, ҳаммадан олдин етиштириб, бошқалардан кўпроқ даромад кўришга ҳаракат қилади. Маҳсулот пешона тери билан томорқасидан чиққани ва ўзи сотгани учун бозор ҳам танлайди. Ерни, тупроқни авайлайди, доимо унумдор сақлайди. Бундай хонадонлар рўзғорлари учун кунда керак бўладиган сабзи, пиёз, картошка, мева, гўшт, сут, тухумни бозордан сотиб олиб емайди, аксинча, ўзидан орттириб, бозорни ҳам таъминлайди. Энди ўзингиз айтингчи, ҳамма хонадон эгалари ўз томорқаларида шу тақлид тадбиркорлик билан ишласалар мамлакатимиз қишлоқларида ишсизлар бўладими? Йўқ, албатта.

**— Шундай деймиз-у, бироқ кўпгина қишлоқ оилалари, айниқса, ёшлар томорқаларини қаровсиз қолдириб, ўзларини тижоратга ураяптилар...**

— Ҳамма гап шунда-да. Боғдод, Бувайда, Данғара, Учкўприк туманларидаги кўпгина оилалар 25 сотиҳгача томорқа ерига эга бўла туриб, йилига фақат бир марта маккажўхори ёки оқжўхори экишдан нарига ўтмайдилар. Мевали дарахт ва токлари ҳам ҳеч бўлмаса ўзларига етадиган ҳосил бермайди. Шуниси ачинарлики, бундай хонадонлар касрига қанчадан-қанча ички имкониятларимиз бой берилаяпти. Буни таққослаш учун қуйидаги мисолларни келтириш ўринлидир.

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига 20 сотих суғориладиган ер тўғри келади. Голландияда эса бир кишига 4 сотих экин майдони тўғри келгани ҳолда жон бошига 180 кило гўшт, 1100 кило сут етиштирилади.

Ёки бир кишига тегишинча 3 ва 6 сотих экин майдони тўғри келадиган Япония ва Хитой давлатларида ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўз халқидан орттириб, чет мамлакатларга чиқарилади. Мисоллардан кўриниб турибдики, бизнинг имкониятларимиз уларникига нисбатан 4-6 баравар кўпдир.

Хулоса қилиб айтганда, республикада 3 миллионга яқин деҳқон хонадони, бинобарин, қарийб шунча (бирида оз, бирида кўп) томорқа ери бор. Тасаввур қилинг-а, агар шу оилаларнинг ҳаммаси ўз томорқасидан ҳеч бўлмаганда икки марта ҳосил олса, мева-чева етиштирса, соғин сигирга эга бўлса, хонадонлардаги тўкинчилик ҳозиргидан анча юқори, деҳқон бозорларида эса маҳсулотнинг ўзи ҳам, тури ҳам сероб ва анча арзон бўлмасмиди?

Юртбошимиз «Бугунги кунда томорқачиликни ривожлантириш ҳаётимизнинг асосий негизидир» деганда ана шу тайёр имкониятларга умид боғлагани шубҳасиздир. Ўзбекистон қишлоқларида яшовчи ҳар бир фуқаро ана шу умидни рўёбга чиқариш учун енг шимариб астойдил ишга киришадиган пайт келди.

**«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.**

• *Диққат: кўрик-танлов!*

## «МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ»

***Маълумки, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан «Халқ сўзи» газетаси ўзаро ҳамкорликда бир неча бор «Энг намунали маҳалла», «Энг намунали маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловларини ўтказган эди.***

Эндиликда ушбу тадбирлар анъана тусига кириб, мамлакатимизнинг барча туман ва вилоятларида давом эттирилаяпти. Унда ғолиб чиққан маҳалла ва маҳалла оқсоқолларининг иш тажрибалари эса бутун республикамизда тарғиб қилиниб, ибратли жиҳатлари оммалаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, шаклланиш жараёнини бошидан кечираётган маҳаллий бошқарув тизимлари ишининг такомиллашувида ушбу тадбирларнинг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси ҳамда «Халқ сўзи» газеталари биргаликда «Маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги» мавзусида янги кўрик-танлов ўтказишга қарор қилди. Ундан кўзланган мақсад мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни такомиллаштириш, ёшлар онгига она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдириш, уларга умуминсоний ҳамда миллий қадриятларни теран ўргатиш, бола тарбиясида халқ педагогикаси дурдоналаридан фойдаланилган ҳолда маҳалла, оила ва мактаб ҳамкорлигини юқори даражага кўтаришдан иборатдир.

Мазкур кўрик-танловни Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси бўлими, шунингдек, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармалари ва «Маҳалла» жамғармаси бўлимлари жойларда ташкил этади. Танлов уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич шу йилнинг сентябрь ойида туманларда ўтказилиб, ғолиб чиққан биттадан номзодларнинг хужжатлари 15 октябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади. Иккинчи босқичда эса ҳар бир вилоятдан биттадан энг яхши, деб топилган номзодларнинг ҳужжатлари 1 ноябрга қадар Республика ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола қилинади. Энг сўнгги босқич эса Ўзбекистон Конституциясининг 3 йиллиги арафасида, яъни 1995 йил 25 ноябрь куни якунланиб, ғолиблар аниқланади.

Кўрик-танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Битта биринчи ўрин — 3 минг сўм.

Битта иккинчи ўрин — 2 минг сўм.

Битта учинчи ўрин — 1000 сўм.

Бундан ташқари, ҳар бири 500 сўмдан бўлган II та рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам белгиланган.

Ушбу кўрик-танловда хоҳлаган мактаб ва маҳаллалар биргаликда иштирок этишлари мумкин. Бунинг учун улар ўзаро хамкорликда олиб бораётган ишлари хусусидаги маълумотларни тайёрлаб, ҳакамлар ҳайъатига тақдим этишлари керак.

• *Қишлоқда ислоҳот қандай бормоқда?*

## МУЛККА МУНОСАБАТ ЎЗГАРГАЧ

***«ДЕҲҚОНОБОД» — Қизилтепа туманидаги бешта бақувват хўжаликнинг бири. Ўтган йили давлатга пахта сотиш режаси 115 фоиз, бошоқли дон режаси 150 фоиз бажарилди. Жамоа аъзолари пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ҳам пешқадамлар сафида бўлишди.***

Деҳқонободликлар бу йилги мавсумга пухта ҳозирлик кўришди. Жамоа хўжалиги раиси Қандиёр Маликовнинг айтишича, йилнинг биринчи маҳсулоти — пилла ҳосили бу йил ҳам мўл бўлди.

Хўжаликнинг иссиқхонасида ҳар йили 2 тоннага яқин лимон етиштирилади. Ўтган йили шунча лимоннинг ҳар килоси 30 сўмдан сотилиб, 60 минг сўм даромад олинди.

Хўжалик раҳбарияти Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олимлари билан шартнома асосида «Мароқанд» навли силосбоп маккажўхори етиштирмоқда. У ҳам хазинага анча-мунча даромад келтириши кўзда тутилмоқда.

Айни кунларда хўжалик пахтазорларида ишлар қизғин. 437 гектар ерга чигит экилиб, 1740 тонна пахта яъни, ҳар гектар ердан 38,9 центнердан ҳосил олиш мўлжалланмоқда.

Деҳқонободда мулкка бўлган муносабатнинг ўзгарганлиги ҳамма тармоқнинг ривожланишига олиб келмоқда. Хўжаликдаги учта боғ хусусийлаштирилган. Мулк эгалари — боғбонлар бу йил дарахтлар янаям сермева эканлигидан хурсанд бўлмоқдалар.

Ғаллакорлар эса бу йил 256 гектар ерга буғдой экишган. Ўтган йилгига нисбатан икки баравар кўп ҳосил олишмоқчи. Кўриниб турибдики, меҳнатга муносабат ўзгарса, ҳосилдорлик ҳам, фойда ҳам ортаверади.

**Т. ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ГАЗЕТАЛАР СОНИ ЯНА ИККИТАГА КЎПАЙДИ

Республикамизда кўппартиявийлик тобора кенг одим ташлаяпти, Бундан бир неча ой муқаддам «Адолат» социал-демократик партияси таъсис этилган эди. Айни пайтда унинг «Адолат» газетаси чоп этилаяпти.

Яқинда эса Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси таъсис этилди. Шунингдек, Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳам республика Адлия вазирлигида рўйхатга олинди. Шу боис мамлакатимиз газеталарининг сафига яна иккита нашр қўшилди: 10 июнь куни Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг «Миллий тикланиш» ҳамда Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракатининг «Бирлик» газеталари илк сони муштарийлар қўлига етиб борди.

Ушбу ҳар икки газетанинг биринчи сонидан мазкур партия ва ҳаракатнинг таъсис қурултойи баёни, Ўзбекистон халқига мурожаати, қурултой резолюцияси, ушбу сиёсий ташкилотларнинг дастури, ҳамда республика ҳаётига оид хабар ва мақолалар ўрин олган.

*Диққат: кимошди савдоси!*

**Республика кўчмас мулк биржасининг Бухоро бўлими 24 июн куни навбатдаги кимошди савдосини ўтказади.**

Савдога Бухоро марказида жойлашган 380 ўринли замонавий

*"Варахша" меҳмонхонаси*

*(бошланғич нархи 10 миллион 644 минг сўм),*

барча қулайликларга эга

*"Гулистон" меҳмонхонаси*

*(бошланғич нархи 5 миллион 18 минг сўм),*

қурилаётган савдо дўконлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш ва техник хизмат кўрсатиш шахобчалари, автомашиналар ва ер майдонлари қўйилган.

Маълумотлар учун телефонлар:

*Тошкентда- 67-32-71;*

*Бухорода - 4-32-42, 3-65-23, 3-71-36, 3-71-30.*

Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз,



Унда сизга 30+ қувватдориси даркор!!!



"Тридцать Плюс" - ёшлик ва соғломлик демакдир.

**"Тридцать Плюс" кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонўпар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз.**

**"Тридцать Плюс" нафақат чарчоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эпчилликни қайтариб, Сизни яшартиради.**

*Харид қилиш масаласи бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:*

" АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД" ФИРМАСИ:

*Тошкент, 700060,*
*Моварounнаҳр кўчаси, 19-уй.*
*Телефон: (3712) 32-01-48, 33-48-70*
*Телефакс: (3712) 33-84-71*
*ёки Тошкентдаги сотувчи ҳамкорлари:*
*"Ибн-Сино" дорихонаси:*
*(3712) 44-24-34, 40-44-83.*
*"Фармед" дорихонаси:*
*(3712) 47-98-90.*

• *Долзарб муаммо*



***Мамлакатимиз Президентининг «Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан мухбиримиз «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Б. ҲУСАНБОЕВга бир неча саволлар билан мурожаат этди.***



# Б. ҲУСАНБОЕВ: «ТУРИЗМ — НАФАҚАТ МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛИШ, БАЛКИ...»

**— Бахтиёр Маҳмудович, суҳбатимиз бошида «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш, қолаверса, мамлакатимизда замонавий туризм саноатини вужудга келтириш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинган ушбу Фармоннинг моҳияти ва зарурати хусусида икки оғиз гапириб берсангиз.**

— Маълумки, «Буюк ипак йўли» қадимдан ўз нуфузига, қадр қимматига эга бўлиб келган. Ўнлаб хорижий элларнинг халқлари ана шу ноёб йўл орқалигина мамлакатимиз — қадим Мовароуннахрнинг тарихи, маданияти бу юртда ривож топган илм-фан билан яқиндан танишишга муваффақ бўлганлар. Элчилар шу йўлдан диёримизга холис ниятда ташриф буюришиб, мамлакатлар ўртасида ўзаро яхши қўшничилик алоқаларини қарор топишига сабабчи бўлишган. Афсуски, кейинги ўн йилликларда бошқа қадриятларимиз, маънавий меросимиз қатори қадим «Ипак йўли» ҳам унут бўлаёзганди. Шукрким, юртимиз мустақил бўлгач, қадриятларимиз қайта қарор топиб, Ўзбекистон жаҳонга юз тутди. Дунё халқлари ўзбекларни қайта кашф эта бошладилар. Уларда Темурийлар юртига, бу халқнинг маданиятига, тарихий обидаларига қизиқиш янада ортди. Табиийки, юртимизга ташриф буюриш истагидаги сайёҳлар ҳам кўпая борди. Ана шу жиҳатдан ушбу Фармон маданий-маърифий меросимизни қайта ривожлантириш борасида бебаҳо аҳамиятга эгадир. Унинг зарурати ҳам ана шунда.

**— Маълумки, Фармонда Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент каби тарихий шаҳарларимизда халқаро туризм бўйича махсус очиқ иқтисодий минтақалар ташкил қилиниши кўзда тутилган. Буни қандай тушуниш мумкин?**

— Жанубий Корея, Гонконг, Малайзия ва бошқа ўнлаб мамлакатлар мисолида «Очиқ иқтисодий минтақалар»нинг кун сайин тараққий этиб бораётганини кўриб турибмиз. Бу атамани тахминан шундай тушунтириш мумкин. Ҳозир дунё халқларини Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларидаги тарихий обидаларга, минг йиллар қатида сақланиб, камол топиб келаётган миллий урф-одатларимиз, ўзбекона лутфимизга қизиқиши ниҳоятда катта. Лекин, афсуски, ҳали кечаги ўтмишдан қолган асоратлар бизни буткул тарк эта олгани йўқ. Шу боис сайёҳларни қабул қилиш, уларни кузатиб қўйиш, ва зарурий хизматлар кўрсатиш борасида ҳали кўплаб ишларимиз кечаги ўтмиш қолипларига мослаштирилган. Бу эса бугунги жаҳон туризми талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Қадимий шаҳарларимизда «Очиқ иқтисодий минтақалар»нинг ташкил этилиши божхона расм-русумларини, кириш ва чиқиш визаларини расмийлаштиришни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқади. Энг асосийси, бу шаҳарларга хорижий сармоялар ўз-ўзидан жалб этилади. Сервис хизмати кўрсатиш, савдо-сотиқлардан тушган валюталар ана шу «очиқ иқтисодий минтақа»ларнинг ўзида қолади.

**— Буюк ипак йўлини қайта тиклаш қадимий шаҳарларнинг саноати, маданияти, илм-фани ривожига қандай таъсир кўрсатади деб ўйлайсиз?**

— Туризм — нафақат меҳмонларни кутиб олиш ёки чет элга кузатиб қўйиш, ёхуд уларни меҳмонхоналарга жойлаштириш эмас, балки, кўп қиррали бир индустриядир. Шунга кўра, Буюк ипак йўлининиг тараққиёти тарихий шаҳарларда нафақат туризм саноатини балки, илм-фан, маданиятнинг ривожига ҳам салмоқли улуш қўшади. Хорижга чиқувчи ватандошларимизни дунёдаги ривожланган мамлакатлар имл-фани, саноати, техникаси тараққиёти билан танишиб, ижобий омилларини ўрганиб, уларни ўзимизда жорий этиши, ёхуд диёримизга ташриф буюрган бизнесменлар ва ишбилармонларнинг қимматли маслаҳатлари, билим ва тажрибалари ўзаро ҳамкорликларимиз ривожига асосий туртки бўлади деб ўйлайман.

Мамлакатимизда туризм саноатини ривожлантириш эвазига олинган маблағлар минг йилликлар сир-синоатини бағрида яшириб ётган диёримиздаги археологик қазилма ишларига ҳомийлик қилиш, архитектура ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш, шунингдек умумободонлаштириш ишларига йўналтирилади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси Фармонда кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишга тайёр десак муболағ бўлмас. Чунки, бугунгача компаниямиз жамоаси дунёдаги туризм соҳасида мавжуд бўлган янгиликлар ва шарт-шароитлар билан деярли танишиб бўлди. Улардаги тажрибаларни республикамизда қисман тадбиқ ҳам этдик. Масалан, қўшма корхоналар очдик, ҳиссадорлик жамиятлари фаолият кўрсатаяпти. Энг асосийси, шахсий туристик фирмалар билан ўзаро ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган.

1994 йил октябрь ойида Лондонда, 1995 йил март ойида эса Берлинда бўлиб ўтган Халқаро туристик биржаларда мамлакатимиздаги мавжуд хусусий туристик фирмаларни компаниямиз билан бирга тенг ҳуқуқли асосда иштирок этгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

**— Бахтиёр Маҳмудович, ҳозир кунлик таомилимизда «қўшма корхона», «хусусий фирма», «бизнес маркази», «тўрт-беш юлдузли меҳмонхона» каби янги атамалар пайдо бўлди. Буюк ипак йўлини қайта ташкил топиши билан улар ёнига ҳали кўпчиликка таниш бўлмаган «Мотел», «Кемпинг» сўзлари қўшилиши назарда тутилаяпти. Буларни қандай тасаввур этишимиз мумкин?**

— Саволингиз тўғри. Ҳозир бизда иккита меҳмонхона, 4 ва 5 юлдузлик даражасини олиш учун қайта реконструкция қилишга тайёрланаяпти.

«Мотел» сўзига келсак, бу — шаҳарлараро йўл бўйида қуриладиган автотурист меҳмонхоналардир. Олайлик, мамлакатимиз пойтахтига ташриф буюрган хорижлик оилавий сайёҳлар сафарни енгил машинада давом эттириш истагини билдиришди дейлик. Тошкентдан Самарқанд ва Бухоро ёки Хивагача биласиз, озмунча йўл эмас. Бунинг устига йўлда овқатланиш, дам олиш, машинага техник хизмат кўрсатиш муаммолари ҳам бор. Шу мақсадда Тошкент-Бухоро ёки Тошкент-Хива трассаси ёқаларида қурилажак, жаҳон андозаларига мос бўлган «Мотел»лар ана шу хизматларга асосланган бўлади.

«Кемпинг» эса инглизча сўз бўлиб, буни шундай талқин қилиш мумкин: сайёҳлар «Мотел»да фақат маълум соатгагина тўхтаб, хордиқ чиқаришлари мумкин. Лекин бизда сўлим табиат қучоғида жойлашган, жаҳонга мақтасак арзигулик гўшалар жуда кўп. Олайлик, Бахмал тоғлари, Зомин Ўрмон хўжалиги бағридаги жойлар, ёки Нуротанинг шифобахш булоқ сувлари. «Кемпинг» — яна шундай жойларда бунёд этилажак, сайёҳлар бир неча кун хордиқ чиқаришига мўлжалланган дам олиш зоналаридир.

**— Сайёҳлик соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари қандай йўлга қўйилади?**

— Фармонда кўзда тутилган бу банд ҳам мамлакатимизда туризм саноатини ривож топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, туризмнинг асосий обрў эътиборини салоҳиятли ходимлар белгилайди. Бу борада биз Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан ҳамкорликда халқаро туризм соҳасида юқори малакали, билимдон ходимлар тайёрлаш учун «Халқаро туризм ўқув ишлаб-чиқариш маркази»ни очишни кўзда тутаяпмиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Шодиёр МУТАҲҲАРХОН ўғли**
**суҳбатлашди.**

---

# БИР БУЛОҚДАН СУВ ИЧГАН БИРОДАРЛАРМИЗ



***Инсоният яралибдики, эзгуликка интилиб, яхшиликка ёндошиб яшайди. Порлоқ келажак сари янгидан-янги орзу-умидлар уммонида умр кечиради. Шу туйғуларнинг ўзи ҳамма вақт инсонни табиатнинг буюк неъмати, мавжудотнинг гултожи даражасига кўтариб қўяди. Жамики эзгуликлар инсон онги ва тафаккурида миллат, Ватан тушунчалари билан йўғрилиб, яхлит бир қадриятга айланади. Ана шунинг натижасида ҳар бир киши она-юрт равнақи, унинг истиқболи, беқиёс мўъжизавий ривожи йўлида елиб югуради.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II сессиясида Президентимиз И. Каримов «Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг долзарб масаласидир. Она юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади», деб таъкидлади.




Буюк Турон ери ҳеч қачон ўз фарзандларини миллатларга, қабилаларга ажратган эмас. Бу она заминда ҳамма халқлар ягона туркий оилада ҳаёт кечирганлар. «Қозоқ, қирғиз, ўзбек, тожик, туркман халқлари бир-бирига қардош, бир булоқдан сув ичган биродарлардир». Бу олтинга тенг сўзларни юртбошимиз И. Каримов Алмати, Бишкек шаҳарларида бўлиб ўтган учрашувларда қайта-қайта такрорладилар.

Ҳозирги ҳар бир мустақил давлат ўз тараққиёт йўлини танлаб олган бир вақтда, айниқса, дўстнинг, қардошнинг ўрни билина бошлади. «Дунё айвонидан» ҳар ким ҳамкорлик қиладиган дўст қидирди. Зеро, бу яхлит оламда ёлғиз яшаб бўлмайди.

Бизнинг Турон юртимизда ҳар бир миллат ва элат ўзини қадимий туронзамин фарзандлари деб биладилар. Шундай экан, нима учун биз қонимиз, нонимиз бир эканлигини тан олмаслигимиз керак? Улкан қозоқ шоири Асқар оға Тўқмағамбетов Турон халқларининг дўстлиги хақида шундай деган эди:

**Бир дарахтнинг сояси**
**То тушгача сеники,**
**Тушдан кейин меники.**

«Ҳамжиҳатлик — давлат», дейди доно халқимиз. Бир-биримиздан айри турмасдан, янада яқинлашишимиз, жипслашишимиз лозим. Халқда «икки ёрти — бир бутун» деган гап бор. Биримизда йўқ нарса бошқамизда бор. Камимизни тўлдиришимиз мумкин. Фақат ҳамжиҳат бўлсак, ва бунга интилсак, бас. Маълумки, Марказий Осиёдаги барча халқлар ўзларини бир туркий дарахтнинг беш шохи — бобокалонимиз Амир Темурнинг фарзандлари, деб биладилар. Буюк соҳибқирон қудрати шунда бўлганки, у турли миллатга мансуб вазир ва уламоларини миллатига қараб эмас, балки давлат тузумининг мустаҳкамланиши ва ривожланиши учун қўшган ҳиссасига қараб тайинлар эди.

Шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон мамлакатлари ўртасида ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги шартномани рўёбга чиқариш масалалари кўрилди. Жумладан фармацевтика саноати, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳам ҳамкорлик қилишнинг аниқ тадбирлари ва қоидалари ишлаб чиқилди.

Айни пайтда мустақилликни мустахкамлаш ва туб ислохотларни амалга ошириш улкан аҳамиятга эга. Минтақа келажаги учун ҳамманинг эътибор марказида бўлган Орол муаммоси ҳал қилиниши шарт. Орол фалокати нафақат Оролбўйи регионига, балки бутун Евроосиёга ўз таъсирини кўрсатмай қолмаслиги ҳозир бутун дунёга маълум. Демак, 60 млн. дан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган минтақадаги экологик вазиятни тартибга солиш бешта қардош республика ҳамжиҳатисиз ҳал қилиниши мумкин эмас. Агар беш республика хамжиҳат бўлса, Оролимизни сақлаб қолиш эхтимоли янада ортади.

Минтақадаги бирлик, ундаги тинчлик ва иқтисодий алоқаларнинг мустақил бўлиши қанчалик зарурлигини тиббиёт ходими сифатида соғлиқни сақлашдаги тадбир ва омилларнинг нақадар катта аҳамияти борлигига мисол келтирмоқчиман. Иқтисодий алоқаларни беш республика орасида яхшиланиши дори-дармон таъминотида энг кучли омиллардан биридир. Бундан ташқари шифокорларимиз малакасини оширишда минтақа олимларининг обрўси энг асосий куч бўлиб қолади. Чунончи, беш республика олимлари бирлашиб, илмий журналларни нашр этишни халқаро йўлга қўйиши тиббиётимизнинг янада ривожланиб, умумжаҳон савиясига етишига катта туртки бўлар эди.

Ҳар қандай давлатнинг нечоғлик мустахкамланиши унинг фуқаролари онги ва дунёқарашининг нақадар чуқурлашиб боргани ва қандай ўзанга тушиб қолгани билан боғлиқ. Миллий ғурур, фуқаролик ифтихори, мамлакат тақдири, миллатлараро муносабатлар бой маънавият ва маданият кўриги эканлигини бот-бот такрорлайди. Туркистон халқлари учун ҳозирги тарихий шароитдан умумли фойдаланиш лозим.

**Тоҳир МИРОДИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, тиббиёт фанлари номзоди.**

---

"Олабитекс" фирмаси

Суриядан келтирилган тўр ва шойи пардалик маҳсулотлар.

*Хонадонингиз ташқи кўринишини ўзгартирмоқчи бўлсангиз, бу ишни ойна пардаларини алмаштиришдан бошланг!*

*Дид билан танланган чиройли ойна пардалари хонангизга нафис гўзаллик бахш этади!*

- Ассортименти бой.
- Сифати юксак.
- Нархлари қониқарли даражада.
- Кўтара савдо.

Телефонлар:
(3712) 36-05-18,
(3712) 36-05-13,
(3712) 36-05-20.

## БОЗОР КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ АНГЛИЯ ВА ИТАЛИЯГА ЎҚУВ САФАРЛАРИ

Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги техник ёрдам кўрсатиш дастурининг янги, йирик ташаббуси бўлиб, мақсади бозор иқтисодиёти ривожига кўмаклашиш, тадбиркор ва ишбилармон доираларга республикада бизнесга ўқитишни ва Европа Иттифоқи мамлакатларга иш ўрганиш сафарларини уюштириш воситасида ёрдам беришдир.

Марказнинг қисқа муддатли курсларни ишлаб чиқиш бўлими тадбиркорлар учун 1995 йил сентябрдан бошлаб Англия ва Италияга икки ҳафталик ўқув сафарларини уюштиради. Бундан мақсад Европа Иттифоқидаги кичик ва ўрта корхона, муассасаларда иш ўргатиш йўли билан амалий ноу-хауни уларга етказишдир. Ҳар бир ўқув сафарида тўққизта ўрин бўлади.

**Номзодларга зарур талаблар:**

- *иқтисодий билими тўғрисида диплом;*
- *ишлаётган ташкилотида эгаллаб турган раҳбарлик лавозими;*
- *жўшқинлик, хушмуомалалик;*
- *Ўзбекистоннинг майда ёки ўрта бизнесидаги иш тажрибаси ва республика иқтисодиётини яхши билиши;*
- *чет эл сафаридан сўнг Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида бўладиган учта семинарда албатта сўзга чиқиш;*
- *инглиз тилини билса маъқул бўларди.*

**Иш ўрганиш сафарларида қатнашиш учун Сиз махсус талабномани тўлдиришингиз керак, уни қуйидаги манзиллардан оласиз:**

***1. Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказидан.***
**Менеджерлар Т.Чернигой ва Н.Камоловга учрашилади, тел.: 54-52-60.**
***2. Бизнес-фонддан.***
**Директор муовини Б. Қаюмовга учрашилади, тел.: 45-18-35.**
***3. Ишбилармон аёллар ассоциацияси.***
**Директор Т.Саидикромовага учрашилади, тел.: 56-65-78, 56-24-51.**
***4. Тадбиркорлар уюшмасидан.***
**Ф.Жалолийга учрашилади, тел.: 45-82-76, 45-97-89.**

***Талабнома тўлдирилгач, 1995 йил 26 июндан кечиктирмай қуйидаги манзилга олиб келиб берилади ёки факс орқали жўнатилади: Тошкент, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8"В".***

***Талабнома Т.Чернигой ва Н.Камолов номига юборилади.***

*Танланган номзодга Ўзбекистонда ўқиш ва ўқув сафарига иш жойидан жавоб берилишига ишонч ҳосил қилиниши учун талабномага иш жойидаги катта раҳбар имзо чекса маъқул бўларди.*

**Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказининг манзили:**
**Тошкент, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8"В".**
**Тел.: (3712) 45-52-60.**
**Факс: (3712) 30-20-13.**

Янгийўл «Лаззат» ҳиссадорлик қандолат ишлаб чиқариш жамияти

Барча ташкилотларга мулкчилик шаклидан қатъий назар 35 хилдан ортиқ турдаги қандолат маҳсулотлар:

печенье, вафли, карамель, қиём қатламли ширинликларни бозор нархидан 45 фоиз арзон баҳода сотади

*Маҳсулот ҳақи нақд пулсиз-пул ўтказиш йўли билан тўланади*

«Лаззат»

Жамият манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, «Лаззат» кўчаси, 1 уй

Телефонлар: Тошкент учун (8-260), Республика учун (8-37160) 73892, 75050, 74961, 74962. Факс: 56878, 56759

## "Eli - Lilli"

*Компания жамоаси 18 июнь шифокорларнинг касб байрами муносабати билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш муассасаларининг ходимларини ва тиббий олий ўқув юртларидаги бўлажак шифокорларни самимий табриклайди.*

Уларга соғлом, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялашдаги ишларига катта муваффақиятлар тилайди. Шунингдек, "Eli- Lilli" компанияси Ўзбекистон Президенти И. Каримов раҳбарлигида "Соғлом авлод учун" олиб бораётган саъй-ҳаракатларга оз бўлса-да ўз ҳиссасини қўшаётганлигидан мамнундир.

**Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 227-мактабнинг штампи йўқолганлиги муносабати билан эътибордан соқит ҳисоблансин.**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги жамоаси вазирликнинг касаба уюшмаси қўмитасининг раиси У. Тожихўжаевга волидаи муҳтарамаси
**Ҳабибахон ая ТОЖИХЎЖАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг жамоаси вазирлик масъул ходими У. Нуриддиновага падари бузруквори
**Сирожиддин ота НУРИДДИНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Кўчмас мулк биржаси бошқаруви ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Маданият жамғармаси бошқаруви ҳайъати раиси вазифасини бажарувчи Тоҳир Турғуновга отаси
**Азизулло ТУРҒУНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Мулкдор» иқтисодий ҳафталик газетаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Маданият жамғармаси бошқаруви ҳайъати раиси вазифасини бажарувчи Тоҳир Турғуновга отаси
**Азизулло ТУРҒУНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти Келес автокорхонаси жамоаси автокорхона раҳбари Жалолиддин Курбоновга отаси
**Қозоқбой ҚУРБОНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Ахборот 36-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев.
Навбатчи — Т. Долиев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0255. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 20.20. 1 2 3 4 5 6